**Ушбу сонда:**
2 ҚЎРҒОН МУСТАҲКАМ БЎЛСА
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 ДЕНГИЗ УЗРА ҚУШЛАР ПАРВОЗИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2005 йил 25 январ, сешанба № 13 (1854)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***24 январ куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.***

Мажлисда, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2005 йил 17-20 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш бўйича қўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16 нафар аъзоси тайинланди.

Сенат таркибида жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари бор. Сенаторларнинг қарийб 15 фоизи Ўзбекистон аграр секторининг намояндалари бўлиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган таниқли фермер хўжаликлари раҳбарларидир.

Сайланган сенаторларнинг 20 фоиздан ортиғи - таълим, илм-фан ва маданият тизими вакиллари. Улар, аввалambор, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган ёшларни маънавий-маърифий тарбиялаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва мамлакат ижтимоий соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича асосий вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи таълим муассасалари, яъни коллеж ва лицейлар раҳбарлари ҳисобланади. Сенаторлар орасида йирик олимлар, маданият ва санъат арбоблари бор.

Мамлакатимиз саноати мажмуи вакиллари сенаторларнинг 10 фоизини ташкил этади. Улар асосан энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши, фуқароларимиз фаровонлигини юксалтириш суръатларини белгиловчи Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқлари вакилларидан иборат.

Сенат аъзоларининг 15 фоизи турли соҳаларда фаолият юритувчи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи, ўз меҳнати, илғор ҳаётий қарашлари билан халқимиз орасида обрў-эътибор қозонган хотин-қизлардир.

Сенаторлар орасида етти миллат вакиллари бўлиб, уларнинг 89 фоизи - ўзбеклар, 11 фоизи - қорақалпоқлар, руслар, туркманлар, қозоқлар, украинлар, корейслар.

Сенатда ҳудудий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг мамлакатимизда обрў қозонган, таниқли раҳбарлари ҳам бор.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирокида, очиқ ва ошкора ўтгани, қонунчилик бузилиши билан боғлиқ бирор-бир ҳолат қайд этилмагани алоҳида таъкидланди.

Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сенатнинг 16 нафар аъзосини тайинлаш тўғрисидаги Фармони матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:***

**Орипов Абдулла** - Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

**Воҳидов Эркин Воҳидович** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

**Йўлдошев Беҳзод Содиқович** - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ядро физикаси институти директори

**Кучерский Николай Иванович** - Навоий кон-металлургия комбинати бош директори

**Иномова Светлана Турсуновна** - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси

**Убайдуллаев Ботир Ҳусанович** - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси

**Боқибоев Эркин Жўраевич** - Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси

**Шарифхўжаев Мурод** - Тошкент молия институти ректори

**Усмонов Мираброр Зуфарович** - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Одилхўжаева Сурайё Маҳкамовна** - Тошкент юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси профессори вазифасини бажарувчи

**Кучеров Вадим Петрович** - «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти бош директори

**Муҳиддинова Фарруҳа Фахриддиновна** - Ўзбекистон Республикаси Олий - суди раиси

**Раҳмонкулов Миракбар Ҳожиакбарович** - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари

**Худайбергенов Турсинхан Айдарович** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

**Ражабова Мавжуда Абдуллаевна** - Тошкент шаҳар Яккасарой тумани жиноий ишлар бўйича судининг раиси

**Сафоев Содиқ Солиҳович** - Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 январ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини чақириш тўғрисида

***«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларга, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини шу йил 27-28 январ кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Сенатига ташкилий масалаларни, сиёсий партиялар фракцияларини ва депутатлар гуруҳларини рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари ва комиссияларини шакллантириш масалаларини палаталарнинг биринчи мажлислари кун тартибига киритиш таклиф этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 январ

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Қутлуғ Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва ўз номимдан самимий, биродарлик табрикларимни изҳор этишдан ғоятда мамнунман.

Ушбу саодатли айёмда Аллоҳ азза ва жалладан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик, ислом умматига қутбарака ва осойишталик ато этишини сўрайман.

Сиз Жаноби Олийларига энг эзгу истак ва юксак эҳтиром ила,

**Биродарингиз Фаҳд бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига сидқидилдан дўстона эзгу истакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу қутлуғ айёмда Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига равнақ ва осойишталик, мусулмон умматига бардавом тинчлик ва барқарорлик тилайман.

Эзгу истак ва эҳтиром ила,

**Биродарингиз Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,**
**Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,**
**Миллий гвардия қўмондони**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Парвардигори оламга тоат-ибодат қилишнинг энг гўзал ва олий тимсоли бўлган кун - қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини самимий муборакбод этаман.

Ушбу муборак байрам шарофати билан мусулмонлар иттифоқининг кун сайин мустаҳкамланиб бориши, куррайи заминда жанг, зулм-ситам, таҳқирлаш ва қашшоқлик барҳам топишининг гувоҳи бўламиз, дея умид қиламан.

Худованди каримдан Сиз Жаноби Олийларига муваффақият, сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига равнақ ва бахт-саодат тилаб қоламан.

**Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ислом уммати муборак Ийд ал-Адҳони нишонлаётган дамларда Сиз Жаноби Олийларига Тунис ҳукумати, халқи ва ўз номимдан энг самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунлигимни изҳор этаман. Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг қардош халқига юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳдан бундай муборак муносабатларни барчамизга эзгулик ва хурсандчилик, ислом умматига равнақ ва осойишталик ила такрор этишини сўраб қоламан.

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти**

* * *

***Шунингдек, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Татаристон Республикаси Президенти Минтимир Шаймиев, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, Мудофаа ва авиация вазири Султон бин Абдулазиз Ол Сауд, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жак Диуф ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.***

*2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили*

# ТЎРТ МУЧАМ СОҒ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

***Ҳудуди кенг, аҳолиси кўп, табиий бойликлари бисёр Қашқадарёда тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар истиқлол шарофати билан бошланган эди. Юртбошимиз томонидан биз шифокорларга берилаётган эътибор, қабул қилинаётган дастурлар ушбу масалани давлат сиёсати даражасига кўтарилиши кучимизга-куч, ғайратимизга ғайрат қўшиш билан бирга зиммадаги масъулиятни янада кучайтирди.***

«Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури»-га асосан акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Қарши, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё бўлимлари ҳамда Саломатлик институтининг вилоят филиали ташкил этилди. Жойларда 15 та шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ишга туширилди. Уларда фаолият кўрсатаётган ҳакимлардан М.Ҳусанов, Қ.Элмуродов, Ж.Норчаев, Ш.Норқобиловлар докторлик, 12 нафар шифокор номзодлик диссертацияларини ҳимоялаш бўйича илмий изланишларни давом эттиришаяпти.

Тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари тармоғи кенгайиб 197 тага етказилди ва «Саломатлик-2» дастури асосида жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилаяпти.

Воҳа аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарасини яхшилаш, ходимлар малакасини ошириш, янги замонавий типда қурилган ва жиҳозланган тиббиёт масканлари барпо этиш, чет эл сармояларини жалб қилиш ва хорижий фирмалар, компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда аҳолига 12 минг 843 ўринли 98 та шифохона ва бир кеча-кундузда 24 минг 517 қатновга мўлжалланган 368 та амбулатория-поликлиника муассасалари ишлаб турибди. Шифокорларнинг икки нафари фан доктори, 46 нафари фан номзодлари ҳисобланади.

Ўтган икки йил давомида даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 9 турдаги тиббий жиҳозлар, иккита лапароскоп, 15 та катта жарроҳлик тўплами, эхоэнцефолограф, наркоз аппаратлари, «Тез ёрдам» бўлимлари учун 3 та «Дамас» автомашиналари олинди.

*(Давоми 2-бетда)*





*Янги иш ўринларини ташкил этишда қўшма корхоналарнинг имконияти катта. Жалоқудуқ туманидаги «Ойимтекстил» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ҳам бу борада анча самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаётган юзлаб қишлоқ қизлари трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни пухта ўзлаштирганлар.*

*Бу ерда Германия ва Швейцария давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида пахта ҳамда трикотаж газламаси ишлаб чиқарилади.*

*Корхона ишчи-хизматчилари илғор тажрибалардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш режаларини лойиҳа даражасига етказишга ҳаракат қилаётирлар. Ҳозир бу ерда 600 нафардан зиёд ишчи ўрни яратилган. Унинг 60 фоизи хотин-қизлардир.*

**Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## ТЕМИР ЙЎЛ: ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент-Ангрен оралиғидаги юз километрдан ортиқ темир йўлнинг Кучлук бекатигача бўлган ўттиз километрида электрлаштириш ишлари якунланди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси электр таъминоти маркази бошлиғи ўринбосари Сардор Қодировнинг айтишича, мазкур бекатгача электропоездлар қатнови йўлга қўйилди.

Мутахассисларнинг фикрича, электровоз тепловозга нисбатан тежамли. Поезднинг тезлиги ва қуввати ортади, шовқин ҳамда ҳавони ифлослантирувчи газлар миқдори камаяди, анча маблағ тежалади.

Шу боис «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси темирйўлларни босқичма-босқич электрлаштиришга киришган. Жумладан, яқин келажакда темир йўлни Бухоро шаҳригача электрлаштириш режалаштирилган.

# СОХТА ФЕРМЕРЛАР

## ернинг умрини зое ўтказишмоқда

***Юртимиз замини саҳий, бебаҳо. Вилоятнинг катта ҳудудини эгаллаган Чироқчи туманида ер билан тиллаша оладиган кўплаб асл деҳқонлар етишиб чиқди.***

Пахта тайёрлаш йиллик режасини ортиғи билан адо этилишига деҳқон-фермер хўжаликлари ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Улар давлатга 13 минг тоннадан ортиқ ёки шартнома режасига нисбатан қарийб 1,5 минг тонна кўп пахта етказиб бердилар. Туманда ташкил этилган 724 та деҳқон-фермер хўжаликларининг 99 фоизида йиллик шартнома режаси ошириб бажарилди.

Охунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасига қарашли «Ҳайитмурод», Аҳмад Яссавий номли хўжаликдаги Райҳон Отамуродов бошлиқ меҳнат жамоаларида пахта ҳосилдорлиги 30-35 центнерга, ғалла эса 35-40 центнерга етказилди.

– Тадбиркорлар қанча кўпайса, юртимиз шунчаклик обод, турмушимиз фаровон бўлади, - дейди биз билан суҳбатда деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги директори Ж.Боймирзаев. – Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ер майдонларига эгалик қилиб, мўлжалдаги ҳосилни етиштира олмайдиган сохта тадбиркорлар борлиги кишини ажаблантиради.

Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, айрим деҳқон-фермер хўжаликлари ернинг умрини зое ўтказиб, билдирилган ишончни оқлай олмадилар.

Масалан, «Наврўз» уюшмасига қарашли «Холёрбек» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Норматов 4 гектар ерга чигит экиб, бир килограмм ҳам хомашё топширмаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Аҳмад Яссавий номли хўжалик ҳудудидаги «Холмамат Жуманов» фермер хўжалигида ҳам ишлар юришмади. Кичик жамоа раҳбари Б.Жуманов масъулиятсизлик қилди. Мавжуд 28 гектар ер ҳисобидан бор-йўғи бир тоннаю икки юз килограмм ҳосил етиштирди, холос. Ўз вазифасига совуққонлик билан ёндошган сохта фермерлардан амалдаги қонунлар бўйича ер олиб қўйилди.

«Бешчашма» ширкат хўжалигидаги Собир Мўминов раҳбарлик қилаётган «Наврўз» фермер хўжалигида йиллик шартнома режаси барбод қилинди. Белгилангандан анча кам – 4,9 тонна хомашё сотилди, холос. Шартнома режаси бажарилишини таъминламагани учун лоқайд фермерга вилоят хўжалик суди томонидан 717 минг сўм жарима солинди.

Бугунги фермер деҳқончилик илмини пухта билиши, ҳар бир агротехник тадбирни вақтида ўтказиши керак. Аммо

*«Ишонч» бонг уради*

«Қўзи бобо» фермер хўжалиги мутасаддилари масъулиятнинг ана шу томонини унутиб қўйишди. 10 гектар пахта майдонидан 23 тонна ўрнига аранг 4,5 тонна ҳосил топшириб, юзлари шувут бўлди. Эндиликда улар хўжалик суди қарорига асосан белгиланган 1 миллион 40 минг сўм жаримани тўлашга мажбур.

Салим Жўраев номли ширкат хўжалигидан 5 гектар ер олиб яхши ният билан «Тўрамурод бобо» фермер хўжалигини ташкил этган Турлимурод Тўрамуродов ҳам ҳозир афсус чекиб юрибди. Чунки, унинг жамоаси 13 тонна ўрнига бор йўғи 2,2 тонна пахта топширди-да. Натижада йиллик режани бажармагани ва келтирилган зарари учун 2 миллион 59 минг сўм жарима тўлади.

Аҳмад Яссавий номли хўжалик ҳудудидан 9 гектар ер олиб, «Маҳкам ота» фермер хўжалигини тузган Ҳ.Маҳкамов ҳам лоқайдликка йўл қўйди. Фермер 21 тонна ўрнига 6800 килограмм хомашё топшириб, шартнома режасининг уддасидан чиқа олмай, давлатдан 1 миллион 272 минг сўм қарздор бўлиб қолди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунда тадбиркорлар учун катта имтиёзлар берилган. Аслида эл-юрт орасида «Мен фермерман» деб кўкрак кериб юрган билан ишга сидқидилдан ёндошилмаса, йил якунига келиб уялиб қолиши ҳеч гап эмас.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# 2005 ЙИЛ – СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

## ТЎРТ МУЧАМ СОҒ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

*(Боши 1-бетда)*

Мамлакатимиз мустақилликка эришганлиги туфайли чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. «Evropa-Aid» компанияси томонидан 1 миллион 5 минг евро миқдорида тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари, диагностика материаллар келтирилиб, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг воҳадаги бўлими, Деҳқонобод, Чироқчи, Қарши туман марказий шифохоналарига тарқатилди.

Халқаро «ХОUP», Қизил Хоч жамияти ёрдамида «Соғлом она – соғлом бола» лойиҳалари асосида Деҳқонобод, Касби, Чироқчи туманларида иш олиб борилмоқда. Улар томонидан дастурни ривожлантириш учун 5 миллион Евро миқдорида маблағ ажратилган.

Булардан ташқари Жанубий Кореянинг «Calco», АҚШнинг «Коунтерпарт Интернэшнл», «Юракдан-юракка», «Амери Керз» ташкилотлари томонидан дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар, Чехиянинг «СП Лечиво» фарм саноати, Венгриянинг «Гедион Рихтер» кимё заводи, АҚШнинг «ПЕРРЦА» ташкилоти ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси томонидан 128 турдаги дори-дармонлар ва тиббий воситалар даволаш-профилактика муассасаларига етказиб берилди.

Аҳоли ўртасида сил касаллигига қарши курашни кенг йўлга қўйиш мақсадида «ДОТС» дастури бўйича ишлар олиб борилаяпти. Бунда асосан мутахассисларни ўқитиш, тегишли қўлланмалар билан таъминлаш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини яхшилашга эътибор қаратилган. Бунинг учун ҳар бири 2 миллион сўм турадиган 28 дона бинокуляр микроскоплар келтирилди. Бюджет маблағларидан 35 миллион сўм сарфланиб, вилоят ташҳис-даволаш марказидаги компьютер томографи таъмирланди.

Исроил давлати офтольмолог мутахассислари Қарши ва Шаҳрисабздаги кўз касалликлари шифохоналарида «Катаракта» касаллигига учраган 100 нафар беморни жарроҳлик йўли билан даволаб, сунъий гавҳар қўйишди. Маҳаллий мутахассислар ана шундай амалиётларга ўргатилади. Шифокор Азиза Мирзаева Исроилга бориб, малака ошириб қайтди. Яна 10 нафар шифокор хорижий мамлакатларга малака ошириш учун жўнатилади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланаяпти. 78 нафар беморга турли хилдаги мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун 1 миллион 437 минг, 36 кишининг кўзига сунъий гавҳар қўйиш мақсадида 1 миллион 225 минг сўм маблағ сарфланди. Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаши, Чироқчи туманлари Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларида тарбияланувчи болалардан юзга яқини бепул даволанди.

Германиянинг «Фриеденздорф-Интернэшнл» ташкилоти ходимлари бемор болаларни кўрикдан ўтказиб шифохоналарда даволаниши учун яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Ўнлаб шифокорлар Польша, Франция, Германия, Дания давлатларида хизмат сафарида бўлиб, малака ошириб қайтдилар. Осиё Тараққиёт банки ёрдами билан тиббиёт ходимларини МДҲ давлатларида малака оширишлари учун 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Она ва бола соғлиғи, репродуктив саломатлик соҳасида кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашни назарда тутиб Америка Халқаро Ривожланиш агентлиги (ЮСАЙД) томонидан вилоятнинг тоғли Деҳқонобод, Чироқчи ва Касби туманларида туғиш ёшидаги хотин-қизлар ва ўсмир қизлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. 3 та туғруқ мажмуалари «Бехатар оналик», «Болага дўстона муносабатда бўлиш» бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатини олди.

Вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоятимизда ўтказилган қўшма сайёр ҳайъати йиғилишида аҳвол чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар аниқ белгилаб берилган эди. Ана шунга асосан яқин келажакда вилоятда ихтисослаштирилган кардиология ва урология илмий марказлари очилади.

**Раҳматулла РАҲМОНОВ,**
**Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

## БАХТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ

Алломалар таъкидлаганидек, шифокор ўзи ёниб, ўзгалар қалбини ҳам равшан чироқ каби ёритиши керак. Шу боис улар фаолиятининг чеки-чегараси бўлмайди, бўш вақти эса жуда кам.

Шифохонамиз ва унинг бўлинмаларида ишлаётган 320 нафар шифокор, 2018 нафар фельдшер ва ҳамширалар вилоятнинг энг кенг ва олис манзилларида яшайдиган 285 минг аҳолига хизмат кўрсатаяпти.

Ислоҳотлар талабидан келиб чиқиб, бюджет ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, чўл ва тоғолди ҳудудларида 15 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилди. Эндиликда «Чорвадор», «Гулистон», «Ҳайиткул», «Қоратепа», «Дурсун», «Шўрбозор», «Мозорли» қишлоқларида ҳар бири 50-75 қатновга мўлжалланган шифокорлик масканлари фойдаланишга топширилди. Бу йил «Лангар», «Кўкдала» хўжаликларида ҳам янги тиббий пунктлар иш бошлайди.

Мамлакатимизда «Соғлом оила» дастурининг амалга оширилиши туманимиздаги 67 мингга яқин туғиш ёшидаги аёллар, 10 мингдан зиёд ўсмир қизлар соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти. Марказий шифохона ҳузурида «Ёш ота-оналар мактаби» ташкил этилган. Америка Қўшма Штатларининг ХОUP ташкилоти тренери Дилноза Вагнер маҳаллий шифокорларни «Репродуктив саломатлик», «Бехатар оналик» курсларида ўқитиб, тажрибали ходимлар тайёрлади.

Акушер-гинеколог Дилбар Шайманова, Фарида Жуманова, Насиба Исматова, Гулнора Ҳасанова, болалар шифокори Наргиза Эркаеваларнинг ёш ота-оналар билан оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом авлодни камол топтириш, гиёҳвандликнинг, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга қаратилган машғулотлари, айниқса, қизиқарли бўлаяпти.

Ўттиз ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг ишга туширилиши оғир беморларга вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш имконини яратди. Олий тоифали ҳаким Маҳмуд Ғолаев раҳбарлик қилаётган шифо масканида даволанувчилар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Рўзиқул Нормуродов, Ҳамза Ҳамроев, Эгамберди Қаҳҳоров, Собир Пўлатов, Ғулом Жўраев, Нормурод Эшмуродов каби қўли енгил шифокорлар ўзларининг оромларидан кечиб, беморларни дарддан фориғ қилишаяпти.

Бош ҳаким ўринбосари Абдумажид Ҳасанов бошчилигидаги шифокорлар гуруҳи туман марказидан 100-125 километр олисда жойлашган Отчи, Говхона, Тутли, Тўрақул, Лангар, Тарағай каби тоғли қишлоқларда бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди.

Шифохонамиз «Туғруқ мажмуи», «Кўкрак сути билан боқишни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш» дастури бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Болага дўстона муносабатда бўлиш» сертификатини қўлга киритди. «Соғлом оила» лойиҳаси томонидан мажмуага мурувват ёрдами сифатида 36 минг АҚШ доллари миқдорида тиббий асбоб-ускуналар, боғлов материаллари, суюқликларни қуйиш учун мосламалар, ахборот тизимини яхшилаш учун замонавий компьютер, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисобидан «Дамас» енгил автомашинаси ажратилди.

Айни чоғда аҳоли саломатлигини муҳофазалашни шараф деб билган шифокорларимиз «Сиҳат-саломатлик йили» дастурини амалга оширишга қатъий бел боғлаганлар.

**Холиёр ҚОДИРОВ,**
**Чироқчи туман марказий шифохонаси бош шифокори**



## ШИРИН СЎЗ – ЖОН ОЗИҒИ

***Жума Михлиев номли ширкат хўжалигининг Қайқи қишлоғидан етмиш бир ёшли Абдулла бобо Рўзиевни оғир ҳолатда шошилинч тиббий ёрдам бўлимига олиб келишди. Қандли диабет билан касалланган беморнинг аҳволи унчалик яхши эмас эди. Шифокорларнинг муолажалари, тинимсиз изланишлари туфайли касаллик ортга чекинди. Орадан кўп ўтмай, отахон соғлиғини анча тиклаб олди.***

«Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарини варақлар экансиз, Амирбиби Тошева, Мирза бобо Эшқувватов, Жавли ота Худойбердиев, Аббос Маҳмудов каби даволанувчиларнинг қалб сўзлари битилган сатрларга кўзингиз тушади. Шифокор учун беморларнинг миннатдорчилигидан ортиқ мукофот бўлмаса керак.

Шифохонамиз 90 ўринли бўлиб, унда ички касалликлар, жарроҳлик, урология, реанимация, шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари мавжуд. Жарроҳ Куйли Эшмўминов, Шомурод Тожиев, травматолог Жўра Эшонқулов, уролог Дониёр Азимов сингари олий тоифали ҳакимлар томонидан мураккаб шифокорлик амалиётлари ўтказилаяпти. Замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган касалхонада нафақат Яккабоғ, балки Чироқчи, Шаҳрисабз, Қамаши туманларидан келган беморлар ҳам даволанишади.

Бултур 3 мингдан ортиқ фуқаролар соғлиғини тиклаб ҳаёт бағрига қайтди. Манзура Бектошева, Шоира Номозова, Гулшан Жонзоқова, Фароғат Тариева каби ҳамширалар ўзларининг ширин сўзлари билан ҳам беморлар дардига малҳам бўлишаяпти.

**Ойсанам БОБОҚУЛОВА,**
**Яккабоғ туманидаги 2-шифохона бош ҳакими**

## БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Бирламчи санитария ёрдами эътиборни фақатгина даволашга эмас, балки касалликнинг олдини олиш ва беморнинг тиббий билимини оширишга қаратади. Қишлоғимизда ташкил этилган 50 қатновга мўлжалланган врачлик пункти аҳоли эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, беморларга намунали хизмат кўрсатаяпти.

Унда ишлаётган тиш доктори Марям Эшонқулова, акушер-гинеколог Сайгул Шарнаева, тиббиёт ҳамшираси Гулбро Бобоқулова каби ҳамкасбларимиз хизмат кўрсатиш сифатини тобора яхшиламоқдалар.

Ходимларимизнинг астойдил ҳаракати туфайли қишлоқлардаги 6983 нафар фуқаро, шу жумладан 1865 нафар зурриёд ёшидаги аёллар, 8479 нафар ўсмирлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволаш муолажалари амалга оширилди.

**Мардон БЕКМУРОДОВ,**
**Нишон туманидаги «Пахтаобод» қишлоқ врачлик пунктининг бош ҳакими**

## ЮРТ ОБОД – КЎНГИЛ ШОД

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзда «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан январ-мартда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлиги ўтказилмоқда. Шаҳримизнинг кўркам ва обод, тоза ва озода бўлиши учун санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари ҳам фаоллик кўрсатишаяпти.

Юқумли ва касб касалликларининг олдини олиш, корхона ва муассасаларда ишлаб чиқариш санитарияси, овқатланиш, болалар, ўсмирлар ва меҳнат гигиенаси бўйича 500 дан ортиқ текширишлар ўтказилди. Санитария қоидалари ва меъёрларига риоя қилмаган юридик ва жисмоний шахслардан 325 нафарига 6 миллион 420 минг сўм жарима солинди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган эпидемияга қарши профилактик тадбирлар туфайли юқумли касалликларнинг камайишига эришилди.

Ўтказилган текширишлар жараёнида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини тўғри ташкил этмаган «Дон халқ ризқи» корхонаси, шаҳар ва туман нон комбинати мутасаддиларига тегишли чоралар кўрилди. Хусусий гўшт дўконида ишлаётган Н.Қобилов, дўкон мудири Ф.Саломова, Кунчиқар, Зингирон маҳалла оқсоқоллари Р.Халилов, Ю.Мўминовлар санитария-гигиена талабларига риоя қилмаганликлари учун жаримага тортилди.

Жамоамиз ходимлари аҳоли ўртасида юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини ташкил этиш билан бирга ободончилик дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини қатъий назоратга олганлар.

**Т.ҚИЁМОВ,**
**Шаҳрисабз туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори**



## ҚВП ХЎЖАЛИК МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН

Ўттиз мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган ширкат хўжалигимиз вилоятнинг аҳоли тиғиз яшайдиган ҳудудларидан ҳисобланади. Фуқароларга бирламчи тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Қовчин қишлоғида 86 миллион сўм маблағ сарфланиб, қишлоқ врачлик маскани фойдаланишга топширилди. Ширкент ва Тўрақул қишлоқларида ҳам хўжалик маблағлари ҳисобидан янги ҚВП лар қад кўтарди.

Қишлоқ шифохоналари қарийб 50 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар билан таъминланган. ҚВПларда кундузги бўлимлар, физиотерапия, ЭКГ, УВЧ, дарсенвал каби муолажа хоналари ишлаб турибди.

Тажрибали шифокорлар Баҳодир Жўраев, Нигора Отабоева, Йўлдош Пирназаров, акушер-гинеколог Хосият Мейлиева, ҳамширалар Назира Жабборова, Сарвиноз Тоштемирова, Фароғот Чориевалар беморларни шифохонада даволаш билан бирга аҳоли хонадонларида ҳам бўлиб, қариялар, ногиронлар ва болаларнинг соғлигини назорат қилишяпти. Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Хўжалигимиз маркази чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Эллик қатновга мўлжалланган кўркам тиббиёт масканлари қишлоқ чиройига-чирой қўшиб турибди.

**Жўра ТУРСУНОВ,**
**Қарши туманидаги Яхши Омонот номли ширкат хўжалиги раиси**

## ОИЛА ШИФОКОРИ

### иши бошқаларникидан тубдан фарқ қилади

Шифоатхонамиз 53минг 543 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ҳудудда «Ўзбекистон», «Наво», «Гунгон», «Қавали», У.Юсупов, Ф.Хўжаев, Ғафур Ғулом, Ойбек, А.Раҳимбоев номли маҳаллалар, ёғ-экстрация заводи ишчилари қўрғони, 4-, 5-, 6-, 7-, 8- ва «Пахтазор», «Нефтчи» митти туманлари жойлашган. Фуқароларнинг 17минг 836 нафарини туғиш ёшидаги хотин-қизлар, 4173 нафарини ўсмирлар ташкил қилади.

Умумий амалиёт ҳакамлари Гўзал Файзиева, Абдурашид Ҳасанов, бош шифокор Фарҳод Омонов, ҳамширалар Н.Мирзаева, Н.Каримова И.Жабборовларнинг хонадонларида бўлиб, оила тиббий маданияти ва санитария аҳволини яхшилаш, болалар тарбияси, чақалоқларни она сути билан боқиш хусусида суҳбатлар ўтказаётган пайтда учратасиз. Уларнинг саъй-ҳаракати билан аҳоли тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Хуллас, кўрилаётган профилактик тадбирлар туфайли касалликлар камайиб, халқ саломатлиги мустаҳкамланмоқда.

**М.ЗАРИПОВА,**
**Қарши шаҳар 2-катталар шифоатхонаси ҳамшираси**

## АЛЛОМА ЎГИТЛАРИ

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида минглаб касалликларни даволаш йўлларини кўрсатиб берган. Шифокорларимиз ҳам ана шу аллома йўлидан бориб, олган назарий билимларини амалда татбиқ қилишаяпти.

Бош ҳакимимиз Т. Холиқов, шифокорлардан М.Исломов, Б.Салаев, А.Рўзиқулов, З.Ниёзовларнинг саратон касаллигининг олдини олиш ва даволашга қаратилган ўндан ортиқ илмий мақолалари республика матбуотида эълон қилинди.

Вилоятда онкология хизмати яхшиланиб бораяпти. Бунда хизмат қилаётган онкогинеколог Габиб Аслонов, жарроҳ Абдулла Тешаев, гинеколог Муйиба Саломова, онколог Расул Раҳмонов, олий тоифали тиббиёт ҳамширалари Муйиба Эгамбердиева, Пўлат Раҳмоноваларнинг хизматлари катта. Улар қарийб қирқ йилдан бери беморлар дардига даво топиб, эл олқишига сазовор бўлишаяпти.

**Муаззам РАҲМОНОВА,**
**вилоят онкология диспансери жарроҳлик бўлими катта ҳамшираси**



## ҚЎРҒОН МУСТАҲКАМ БЎЛСА

Ташкилотчи раҳбар, тиббиёт фанлари номзоди Ҳасан Сайфиевнинг ташаббуси билан бундан олти йил муқаддам Қашқадарё вилоят тиббий ташҳис-даволаш марказида «Оила ва никоҳ» бўлими очилган эди.

Оилалар тинч, хонадонлар осойишта, фаровон бўлса, жамиятимиз ҳам юксалиб бораверади. «Оила кодекси»нинг 17-моддасига асосан никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтишлари керак. Бундан мақсад янги турмуш қураётган фуқароларнинг саломатлигини муҳофазалаш, оила тиббий маданиятини ошириш ва баркамол авлодни вояга етказишдан иборат.

Бўлимимиз замон талабига жавоб берадиган тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Мижозларга 9 нафар олий маълумотли ҳаким, 15 нафар малакали ҳамшира хизмат кўрсатаяпти.

Андролог Барот Каримов, генетик-гинеколог Наргиза Анварова, ситолог Малоҳат Аҳадова, психотерапевт Чори Жабборовлар ҳар бир фуқарони синчиклаб текширишдан ўтказишади. Жонкуяр ҳамширалар Ўғилой Рашидова, Шоҳида Шамсиддинова, Лочиной Шоймардонова, Сурайё Қораевалар даволаш муолажаларини пухта ва аниқ амалга оширади.

Шаҳар ва туманларда «Оила ва никоҳ» хоналари ташкил этилган. Шифокорларимиз маҳаллаларда бўлиб, «Эрта никоҳнинг зарарли оқибатлари», «Қариндошга қиз берманг», «Гиёҳвандлик – саломатлик кушандаси», «Ўсмир қизлар гигиенаси» мавзуида суҳбат ва мулоқотлар уюштирдилар.

Бир йил давомида 18 мингдан ортиқ йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтказилиб, касал деб топилганлари шифохоналарда даволаш муолажаларини олдилар.

**Мавлудахон НИШОНОВА,**
**вилоят тиббий ташҳис даволаш марказининг «Оила ва никоҳ» бўлими бошлиғи**

## ҲАМ ЎҚИБ, ҲАМ ДАВОЛАНИШАДИ

2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш учун қўйилган яна бир қадам бўлди. Бу, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини муҳофазалашда муҳим рол ўйнайди.

Жамиятимизда 326 нафар бола таълим-тарбия олиш билан бирга даволанади. Бу ерга асосан (сколёз) умуртқа поғонасида нуқсони бўлган болалар келишади. Ўқиш даволаниш билан қўшиб олиб борилаёганлиги келажагимиз эгаларини ҳар томонлама малакали бўлиб етишишлари учун имкон яратмоқда. Мақсадимиз болаликдан ногирон бўлиб қолганларни имкон қадар соғлигини тиклаб, қадди-қоматли қилиб вояга етказиш.

Мактабда 7 нафар ҳаким, 25 нафар тиббиёт ҳамширалари иш олиб боришади. Вилоят туманларидан келган болалар даволаш машқларини бажарадилар. Улар асосан физиотерапия муолажаларини олиб, ортопедик режимга риоя қиладилар.

Умуртқа поғонасида нуқсони бўлган болалар биринчи навбатда даволашнинг ортопедик режимига қатъий риоя қилишлари керак. Мабодо соғлом болаларда касалликнинг шу каби белгилари сезилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиб, касалликнинг олдини олиш лозим бўлади. Мактабга келган болалар касаллик турига қараб даволанади. Улар билан 21 нафар ўқитувчи, 32 нафар малакали тарбиячилар таълим-тарбия ишларини олиб борадилар.

Вилоятда ягона ҳисобланган мазкур ўқув ва даволаш муассасаси раҳбарияти, ҳомий ташкилот вакиллари доимий равишда ўқувчилар ҳолидан хабардор бўлиб туришади. Бу эса ёш қалбларга малҳам бўлаётир.

Мактаб-интернатнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Зулхумор Турдиева иқтидорли ўқувчилар билан доимий равишда машғулотлар олиб боради. Бунинг натижаси ила Шарофиддин Дўстбобоев, Лутфулла Эшонқулов, Анвар Ражабов, Соҳиб Раҳимов, Шарофат Сатторова сингари ўқувчилар фанлардан аъло баҳоларда ўқишлари билан бирга фанлар олимпиадасида иштирок этиб, ғолиб бўлишди.

**Зиннат АБДУРАҲМОНОВА,**
**Шаҳрисабз туманидаги Охунбобоев номли 2-мактаб-интернатнинг даволаш бўлими бош ҳамшираси**



